

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 658/01:338.45:67/68(675.1)

Махкамов Алишер Камилович

**Мавзу: Тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш
қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш йўллари
(APITEKS МЧЖ мисолида)**

5A230201 - “Менежмент” (тармоқлар ва соҳалар)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: профессори Йўлдошев Н.К.

Тошкент – 2019

Магистрлик диссертациясида тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш йўлларининг илмий, назарий-услубий асослари ўрганилган. Мавзуга оид назарий ва амалий масалаларни ҳал қилиш натижасид тадқиқот объекти бўлган АРІТЕКС МЧЖ да иқтисодийни модернизциялаш шароитида енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In his master's thesis, the scientific, theoretical-methodological foundations of ways to increase the utilization of textile enterprises' production capacities have been studied. As a result of solving the theoretical and practical issues, the APITEKS, a research subject, has developed scientific and practical recommendations on the use of capacities of light industry enterprises in the modernization of economy.

Магистрлик диссертация иши “Менежмент” кафедрасида дастлаб химоядан ўтган.

_____ 8 - сонли баённома « 18 » май 2019 й.

Кафедра муdiri

_____ (и.ш.ф.)

ИМЗО

сана

Илмий раҳбар:

_____ (илмий раҳбар и.ш.ф.)

ИМЗО сана

Такризчи:

_____ (такризчи и.ш.ф.)

ИМЗО сана

Магистрант:

_____ (магистрант и.ш.ф.)

ИМЗО сана

Мундарижа

Кириш.....	3
I боб. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг назарий асослари.....	8
1.1 Ишлаб чиқариш қуввати тушунчаси ва ундан тўлиқ фойдаланиш аҳамияти.....	8
1.2. Ишлаб чиқариш қувватларини режалаштириш усуллари.....	16
1.3. Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.....	26
I боб бўйича хулоса.....	32
II боб. АРИТЕКС МЧЖнинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси тахлили.....	34
2.1. АРИТЕКС МЧЖнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тахлили.....	34
2.2 АРИТЕКС МЧЖ ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш тахлили.....	41
2.3 АРИТЕКС МЧЖ да ишлаб чиқариш асосий фондларини баҳолаш.....	51
II боб бўйича хулоса.....	58
III боб. АРИТЕКС МЧЖ ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.....	60
3.1 Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.....	60
3.2 Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишнинг қўшимча чора тадбирлари.....	65
III боб бўйича хулоса.....	75
Хулоса ва таклифлар.....	76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	80

Кириш

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг моддий техник базасини шакллантириш, замон талабига жавоб берадиган янги техника ва илғор технологиялар билан қуроллантириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш бўйича ҳам самарали ишлар амалга оширилди. Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инвестиция жалб этиш орқали ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самараларини бермоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев “Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг нархини белгилаш амалиётини бутунлай қайта кўриб чиқиб, бозор тамойилларини жорий этиш зарур.”¹ – деб маърузалари таъкидлаб ўтган.

Янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш билан бирга, мавжуд қувватлардан тўлақонли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам “иқтисодийни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодийда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси –Т.: Ўзбекистон, 28 декабр 2018 йил. <http://uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliyasy-28-12-2018>.